ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.FM.01.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

АМИНОВ БЕҲЗОД РАСУЛ ЎҒЛИ

НОКОММУТАТИВ АТОМИК СИММЕТРИК ФАЗОЛАРНИНГ ИЗОМЕТРИЯСИ

01.01.01 – Математик анализ

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020 йил

УДК: 517.98

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам

Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on physical-mathematical sciences

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.FM.01.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

АМИНОВ БЕҲЗОД РАСУЛ ЎҒЛИ

НОКОММУТАТИВ АТОМИК СИММЕТРИК ФАЗОЛАРНИНГ ИЗОМЕТРИЯСИ

01.01.01 – Математик анализ

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020 йил

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.1.PhD/FM191 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (http://ik-fizmat.nuu.uz/) ва «ZiyoNet» таълим ахборот тармоғида (http://www.ziyonet.uz/) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Чилин Владимир Иванович** физика-математика фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Заитов Адилбек Атаханович** физика-математика фанлари доктори, катта илмий ходим **Закиров Ботир Сабитович** физика-математика фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	ЎзР ФА Математика институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.FM.01.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «____» ____________ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+998 71) 227 12 24, факс: (+998 71) 246 53 21, e-mail: nauka@nuu.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+998 71) 246 02 24).

Диссертация автореферати 2021 йил «____» ____________ куни тарқатилди.
(2021 йил «____» ____________ даги ____ рақамли реестр баённомаси).

А.Садуллаев
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси,
ф.-м.ф.д., академик

Н.К.Мамадалиев
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби,
ф.-м.ф.ф.д. (PhD)

Р.Н.Ганиходжаев
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш ҳузуридаги илмий семинар
раиси, ф.-м.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида олиб борилаётган кўплаб илмий-амалий тадқиқотлар аксарият ҳолларда Банах фазоларининг изометрик назарияси масалаларига келтирилади. Симметрик фазоларда таъсир қилаётган эрмит ва сюръектив изометрик операторларни тавсифлаш Банах фазолари назарияси ва чегараланмаган операторлар алгебраси назарияси тадқиқотларининг муҳим йўналишларидан биридир. Функционал ва нокоммутатив симметрик фазоларининг геометрик ва топологик хоссаларини ўрганишда симметрик фазоларда таъсир қилувчи изометрик операторларни тавсифлаш асос сифатида хизмат қилади. Симметрик фазоларни изометрик таснифи машҳур математиклар С. Банах, Ж. Ламперти, Б. Руссо, Дж. Арази, А.Сурур, Е. Семенов ва бошқалар ишларида келтирилиб ўтилган. Шу сабабли симметрик фазоларнинг турли синфларида таъсир қилувчи изометрик операторларини тузилишини тадқиқ қилиш замонавий математиканинг долзарб йўналишларидан ҳисобланади.

Ҳозирги кунда жаҳонда коммутатив ва нокоммутатив симметрик фазоларни изометрик классификация қилиш замонавий функционал анализнинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Сюръектив изометрик операторларни, Эрмит операторларни, косо-эрмит операторларни, 2-локал изометрияларни тадқиқ қилиш Банах фазолари назариясида мухим аҳамият касб этмоқда. Бу борада: симметрик кетма-кетликлар фазоси ва Банах симметрик идеалларида таъсир қилаётган Эрмит ҳамда сюръектив изометрик операторларини тавсифлаш, мукаммал атомик симметрик фазоларда аниқланган Кёте топологиясини тадқиқ қилиш, комплекс Банах фазоларда шар топологиясининг асосий хоссаларини исботлаш, атомик симметрик фазоларда аниқланган Кёте топологияси ҳамда ушбу фазода аниқланган шар топологияси орасидаги боғланишни топиш мақсадли илмий тадқиқотлардан ҳисобланади.

Мамлакатимизда фундаментал фанларниниг илмий ва амалий тадбиқига эга бўлган функционал анализнинг долзарб йўналишларига эътибор кучайтирилди. Жумладан, ўлчовли операторларининг нокоммутатив симметрик фазолари назариясини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда, чунки ушбу назария квант механикаси ва статистик физика масалалари билан чамбарчас боғлиқ. Мамлакатимизда симметрик кетма-кетликлар фазоси ва Банах симметрик идеалларининг изометриясини тавсифлашда сезиларли натижаларга эришилди. «Алгебра ва функционал анализ»[1] фанларининг устувор йўналишлари бўйича халқаро стандартлар даражасида илмий тадқиқотлар олиб бориш математика фанининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгиланди. Қарор ижросини таъминлашда коммутатив ва нокоммутатив симметрик фазоларнинг изометрик назариясини ривожлантириш мухим аҳамиятга эга.

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси 2017 йил 18 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг янгидан ташкил этилган илмий тадқиқот муассасалари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 292-сонли қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони, 2017 йил 17 февралдаги «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2789-сонли Қарори ва 2020 йил 7 майдаги «Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий-тпдқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4708-сонли Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Математика, механика ва информатика» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Классик Банах фазоларининг чизиқли изометрияларини тадқиқ қилиш Банах томонидан бошланган бўлиб, у $p \neq 2$ бўлганда $L_p[0,1]$ фазоларининг изометриясини тавсифлади. Кейинчалик Лампертининг ишларида $L_p(\Omega, A, \mu)$ фазоларининг изометрияси барча σ-чекли ўлчовли (Ω, A, μ) ўлчовли фазолар учун тавсиф қилинди. L_p -фазоларининг изометриясини тавсиф қилишда Банах ва Ламперти қўллаган усуллар скаляр майдонни танлашга боғлиқ бўлмаган. L_p -фазолар синфидан кенгроқ бўлган функционал симметрик $E(\Omega, A, \mu)$ фазоларини изометриясини тадқиқ қилиш учун бошқа усулларни, яъни скаляр майдонга боғлиқ усулларни қўллашга тўғри келади. Симметрик фазо $E(\Omega, A, \mu)$ комплекс сонлар майдон устида қаралганда эрмит операторлари назариясига таянувчи Лумер техникаси самарали қўлланилади. Худди шу техника М.Г. Зайденберг томонидан μ узлуксиз ўлчовли комплекс симметрик $E(\Omega, A, \mu)$ фазоларини сюръектив изометрияларини тавсифлашда қўлланилган.

Иккинчи томондан хақиқий симметрик кетма-кетликлар фазосининг сюръектив чизиқли изометрияларининг аниқ кўриниши М.Ш.Браверман и Е.М.Семеновларнинг ишларида топилган бўлиб, улар чекли группалар назарияси методларини қўллашган. Табиийки, комплекс симметрик кетма-кетликлар фазоларининг сюръектив изометрияларининг тавсифи масаласи юзага келган эди. Ушбу масалани Дж. Арази комплекс симметрик кетма-кетликлар фазолари сепарабел бўлган ҳол учун ечди. Ушбу йўналишдаги сўнгги натижалар ичида симметрик операторлар фазосининг мусбат изометрияларига бағишланган Ф.А.Сукочев ва А.С.Векслернинг биргаликдаги иши ажралиб туради.

Бизнинг мамлакатда Банах фазоларининг изометрик назарияси билан Ш.А.Аюпов, Р.З.Абдуллаев, Ф.А.Сукочев, В.И.Чилин, А.С.Векслер, А.М.Меджитов каби математиклар шуғулланишган. Масалан, В.И.Чилин, А.М.Меджитов ва Ф.А.Сукочевларнинг биргаликда бажарилган ишида нокоммутатив Лоренц фазосида таъсир қилувчи барча сюръектив изометриялар тавсиф қилинган. Ш.А.Аюпов ва Р.З.Абдуллаевларнинг биргаликда бажарилган ишида но ассоциатив L_p- фазоларида таъсир қилувчи сюръектив изометрияларнинг аниқ кўриниши топилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг ОТ-Ф4-31 « Нокоммутатив модуллар, Лейбниц алгебралари ва симплексда полиномиал каскадлар» (2017–2020 йиллар) мавзусидаги илмий тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади комплекс симметрик кетма-кетликлар фазосида, Банах симметрик идеалларида ва нокоммутатив атомик симметрик фазоларда таъсир қиляётган барча эрмит ва сюръектив изометрияларни тавсиф қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Комплекс Банах фазоларида шар топологиясини хоссаларини исботлаш;

Симметрик кетма-кетликлар фазоларида, Банах симметрик идеалларида ва атомик нокоммутатив симметрик фазоларида таъсир қиляётган эрмит ва сюръектив изометрияларни Кёте топологиясига нисбатан узлуксиз эканлигини ўрнатиш;

Симметрик кетма-кетликлар фазоларида, Банах симметрик идеалларида ва атомик нокоммутатив симметрик фазоларида таъсир қиляётган эрмит ва сюръектив изометрияларни аниқ кўринишини топиш;

Банах симметрик идеалларнинг ўз-ўзига қўшма қисмида таъсир қилаётган косо-эрмит ва сюръектив изометрияларни аниқ кўринишини топиш.

Тадқиқотнинг объекти симметрик фазолар, эрмит операторлари, изометриялар, шар топологияси ва Кёте топологияси.

Тадқиқотнинг предмети мукаммал симметрик фазолар, мукаммал симметрик фазоларда таъсир қиляётган эрмит ва чизиқли изометрик операторлар, комплекс Банах фазоларда шар топологиясининг хоссалари, эрмит ва сюъректив изометрик операторларининг Кёте топологиясига нисбатан узлуксизлиги.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишида функционал анализ, умумий топология, Банах фазолари назарияси ва операторлар алгебралари назарияси усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Комплекс Банах фазосида шар топологиясининг асосий хоссалари тавсифланган;

Фату хоссасига эга комплекс симметрик кетма-кетликлар фазоларида таъсир қиляётган эрмит ва сюръектив изометрияларни Кёте топологиясига нисбатан узлуксиз эканлиги исбот қилинган;

Фату хоссасига эга комплекс симметрик кетма-кетликлар фазоларида таъсир қиляётган эрмит ва сюръектив изометриялар тавсифланган;

Мукаммал Банах симметрик идеалларида таъсир қиляётган эрмит ва сюръектив изометриялар тавсифланган;

Мукаммал Банах симметрик идеалларининг ўз-ўзига қўшма қисмида таъсир қиляётган косо-эрмит ва сюръектив изометриялар тавсифланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Фату хоссасига эга комплекс симметрик кетма-кетликлар фазоларида, мукаммал симметрик Банах идеалларида таъсир қилаётган эрмит ва сюръектив чизиқли изометрияларни тадқиқ қилинган хоссалари, Банах функционал фазолари ва нокоммутатив симметрик ўлчовли операторлар фазоларини изометрик классификация қилишда қўлланилади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги функционал анализ, умумий топология, Банах фазолари назарияси усулларидан фойдаланилганлиги ҳамда математик мулоҳазаларнинг қатъийлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти комплекс симметрик кетма-кетликлар фазоси, ҳамда Банах симметрик идеалларида таъсир қилаётган эрмит ва сюърректив изометрик операторларини аниқ кўриниши топилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диссертация натижалари симметрик фазоларда таъсир қилаётган эрмит операторларни хоссаларини тадқиқ қилишда, шунингдек, симметрик фазолар изометриясини тавсифлашга асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Диссертация тадқиқот жараёнида олинган илмий натижалар қуйидаги илмий-тадқиқот проектларида жорий этилган:

Фату хоссасига эга комплекс симметрик кетма-кетликлар фазосида таъсир қилаётган сюръектив изометрияларнинг тавсифи ОТ-4-27 рақамли «Йордан учликлари олдқўшма фазолари, сиғимлар фазолари тавсифлари ва функцияларни голоморф давом эттириш» лойиҳасида матрицалар алгебрасида 2-локал дифференциаллашларини тадқиқ қилишда қўлланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 22 сентябрдаги маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланилиши матрицалар алгебрасида ҳар қандай 2-локал дифференциаллаш оддий маънода дифференциаллаш бўлишини исботлашга имкон берган;

Банах симметрик идеалларида таъсир қиляётган сюръектив чизиқли изометрияларнинг аниқ кўриниши ЁОТ-ФТЕХ-2018-154 «Z^d панжараларида ва G^k Кэли дарахтларида гамильтонианлар спектрлари ва Гиббс ўлчовлари» лойиҳасида Банах симметрик идеалларида таъсир қилаётган Данфорд-Шварц операторларини эргодик хоссаларини тадқиқ қилишда қўлланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 22 сентябрдаги маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланилиши Банах симметрик идеалларида таъсир қилаётган мусбат Данфорд-Шварц операторлари учун индивидуал эргодик теоремани исботлашга имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг фалсафа доктори диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 3 таси хорижий ва 3 таси республика журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш қисми, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссетациянинг ҳажми 106 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, мавзу бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Бошланғич маълумотлар** » деб номланувчи биринчи бобида симметрик кетма-кетликлар фазолари, $\tau-$ўлчовли операторлар симметрик фазолари ва Банах симметрик идеаллари таърифлари келтирилган. Ҳақиқий нормалланган фазолар учун Тингли муаммоси баён қилинган. Эрмит ва изометрик операторлар таърифлари берилган. Симметрик кетма-кетликлар фазолари ва Банах симметрик идеалларида таъсир қилаётган эрмит ва изометрик операторлар тавсифи ҳақидаги маълум теоремалар келтирилган.

$\ell_\infty(\mathbb{K})$ бу $\|\{\xi_n\}\|_\infty = \sup\limits_{n\in\mathbb{N}} |\xi_n|$ нормага нисбатан барча комплекс ($\mathbb{K}=\mathbb{C}$) ёки ҳақиқий ($\mathbb{K}=\mathbb{R}$) чегараланган $\{\xi_n\}_{n=1}^\infty$ кетма-кетликлар фазоси бўлсин, бу ерда $\mathbb{N}$ барча натурал сонлар тўплами. Координатавий қисмий тартибга нисбатан $\ell_\infty(\mathbb{R})$ фазоси Банах панжараси бўлиб, $|\{\xi_n\}_{n=1}^\infty| = \{|\xi_n|\}_{n=1}^\infty$ тенглиги ўринли бўлади. Комплекс вектор панжараси $\ell_\infty(\mathbb{C})$ элементлари $z=\{\zeta_n\}_{n=1}^\infty$ учун ҳам $|z|=\{|\zeta_n|\}_{n=1}^\infty$ тенглиги ўринли бўлади. Ҳар бир $z=\{\zeta_j\}_{j=1}^\infty \in \ell_\infty(\mathbb{C})$ элементи учун ўсмайдиган $\zeta^*=\{\zeta_j^*\}\in\ell_\infty(\mathbb{R})$ ўринлаштириш $\zeta_j^* := \inf\limits_{|F|<j}\sup\limits_{i\notin F}|\zeta_i|$ формуласи ёрдамида мос қўйилади, бу ерда F тўплами $\mathbb{N}$ тўпламнинг чекли қисм тўпламидир. Банах нормаси $\|\cdot\|_E$ га эга бўлган $\ell_\infty(\mathbb{K})$ нинг нолдан фарқли қисм-фазоси E симметрик кетма-кетликлар фазоси дейилади, агар

$y \in E$, $x \in \ell_\infty(\mathbb{K})$ ва $x^* \le y^*$ шартларидан $x \in E$ ва $\|x\|_E \le \|y\|_E$ шартлари келиб чиқса. Бунда ҳар қандай $\pi : \mathbb{N} \to \mathbb{N}$ биекция ва барча $\{\xi_n\} \in E, \lambda_n \in \mathbb{C}, |\lambda_n| = 1, n \in \mathbb{N}$ элементлари учун $\|\{\xi_n\}_{n=1}^\infty\|_E = \|\{\lambda_n \xi_{\pi(n)}\}_{n=1}^\infty\|_E$ тенглиги ўринли бўлади. Бундан ташқари ихтиёрий $x \in E$ учун $\|x\|_\infty \le \|x\|_E$ муносабати ўринли бўлади. Нормалланган $(X, \|\cdot\|_X)$ фазони нормалланган $(Y, \|\cdot\|_Y)$ фазога акслантирувчи $T : X \to Y$ ва барча $x, y \in X$ элементлари учун $\|T(x) - T(y)\|_Y = \|x - y\|_X$ шартини қаноатлантирувчи акслантириш изометрия дейилади. Комплекс сепарабел симметрик кетма-кетликлар фазоларида таъсир қилаётган сюръектив чизиқли изометрияларнинг қуйидаги маълум тавсифини келтирамиз.

Теорема 1. E комплекс сепарабел симметрик кетма-кетликлар фазоси бўлиб, $\ell_2(\mathbb{C})$ фазосига тенг бўлмасин ва V акслантириш E фазосида чизиқли сюръектив изометрия бўлсин. У ҳолда шундай биекция $\pi : \mathbb{N} \to \mathbb{N}$ ва шундай $\{\lambda_n\}_{n=1}^\infty \in \ell_\infty(\mathbb{C}), |\lambda_n| = 1, n \in \mathbb{N}$ кетма-кетлиги мавжудки, барча $\{\xi_n\}_{n=1}^\infty \in E$ элементлари учун $V(\{\xi_n\}_{n=1}^\infty) = \{\lambda_n \xi_{\pi(n)}\}_{n=1}^\infty$ тенглиги ўринли бўлади.

$\mathbb{K}$ майдони устида X чизиқли фазоси берилган бўлсин. Қуйидаги 1)-4) шартларни қаноатлантирувчи $[\cdot,\cdot] : X \times X \to \mathbb{K}$ акслантириш ярим-ички кўпайтма дейилади:

1) Барча $x \in X$ учун $[x, x] \ge 0$ ва $[x, x] = 0$ тенгликдан, $x = 0$ тенглиги келиб чиқади;

2) Барча $x, y \in X$ ва $\lambda \in \mathbb{K}$ учун $[\lambda x, y] = \lambda [x, y]$;

3) Барча $x, y, z \in X$ учун $[x + y, z] = [x, z] + [y, z]$;

4) Барча $x, y \in X$ учун $|[x, y]|^2 \le [x, x][y, y]$.

Равшанки, ҳар қандай $[\cdot,\cdot]$ ярим-ички кўпайтма $\|x\| = \sqrt{[x, x]}$ тенглик ёрдамида X фазода норма аниқлайди. Комплекс Банах $(X, \|\cdot\|_X)$ фазосида таъсир қилаётган чизиқли чегараланган $T : X \to X$ оператори барча $x \in X$ элементлари учун $[T(x), x] \in \mathbb{R}$ шартини қаноатлантирса, эрмит оператори дейилади, бу ерда $[\cdot,\cdot]$ акслантириши $\|\cdot\|_X$ нормасига мос ички-кўпайтма. Комплекс сепарабел симметрик кетма-кетликлар фазосида таъсир қилаётган эрмит операторларининг қуйида келтирилган тавсифи 1-теоремани исбот қилишда асосий ролни ўйнайди.

Теорема 2. E комплекс сепарабел симметрик кетма-кетликлар фазоси бўлиб, $\ell_2(\mathbb{C})$ фазосига тенг бўлмасин ва $T : E \to E$ эрмит оператори бўлсин. У ҳолда шундай $\{a_n\}_{n=1}^\infty \in \ell_\infty(\mathbb{R})$ кетма-кетлиги мавжудки, барча $\{\xi_n\}_{n=1}^\infty \in E$ элементлари учун $T(\{\xi_n\}_{n=1}^\infty) = \{a_n \xi_n\}_{n=1}^\infty$ тенглиги ўринли бўлади.

$(X, \|\cdot\|_X)$ ва $(Y, \|\cdot\|_Y)$ ҳақиқий нормалланган фазолар бўлсин. Мазур-Уламнинг классик теоремаси ҳар қандай биектив $V : X \to Y$ изометрия аффин алмаштириш, яъни суриш ва чизиқли акслантиришни композицяси бўлишини тасдиқлайди. Хусусан $V(0) = 0$, бўлса V чизиқли акслантириш бўлади. Ҳақиқий нормалланган $(X,\|\cdot\|_X)$ фазоси учун $B(X)$ (мос равишда $S(X)$) орқали X фазосининг бирлик шари (мос равишда сфера)ни белгилаймиз, яъни $B(X)=\{x\in X:\|x\|_X\le 1\}$ ва $S(X)=\{x\in X:\|x\|_X=1\}$. П.Манкиевич ишида Мазур-Улам теоремаси қуйидагича кучайтирилган.

Теорема 3. $(X,\|\cdot\|_X)$ ва $(Y,\|\cdot\|_Y)$ ҳақиқий нормалланган фазолар бўлсин. Агар $V:B(X)\to B(Y)$ биектив изометрик акслантириш бўлса, у ҳолда шундай биектив чизиқли акслантириш $L:X\to Y$ мавжудки, барча $x\in B(X)$ элементлари учун $L(x)=V(x)$ тенглиги ўринли бўлади.

Д.Тингли 1987-йилда 3-теорема билан боғлиқ ҳолда қуйидаги муаммони илгари сурди.

Тингли муаммоси. $(X,\|\cdot\|_X)$ ва $(Y,\|\cdot\|_Y)$ ҳақиқий нормалланган фазолар бўлсин. Агар $V:S(X)\to S(Y)$ биектив изометрик акслантириш бўлса, барча $x\in S(X)$ элементлари учун $L(x)=V(x)$ тенгликни қаноатлантирувчи $L:X\to Y$ биектив чизиқли акслантириш топиладими?

Тингли муаммоси баъзида изометрик давом эттириш муаммоси дейилади ва ушбу муаммо кўп классик Банах фазолари синфлари учун ижобий томонга ечилган. Равшанки биектив изометрик $V:S(X)\to S(Y)$ акслантириш учун Тингли муаммоси ижобий томонга ечилса, у ҳолда албатта барча $x\in S(X)$ элементлари учун $V(-x)=-V(x)$ тенглиги бажарилиши керак. Шу муносабат билан, аввал қандай ҳақиқий нормалланган фазолар учун биектив изометрик $V:S(X)\to S(Y)$ акслантириш юқорида келтирилган тенгликни қаноатлантиришини аниқлаш лозим. Д.Тинглининг ишида ушбу масала чекли ўлчамли фазолар учун ҳал қилинган.

Теорема 4. $(X,\|\cdot\|_X)$ ва $(Y,\|\cdot\|_Y)$ чекли ўлчамли ҳақиқий нормалланган фазолар бўлсин . Агар $V:S(X)\to S(Y)$ биектив изометрик акслантириш бўлса, у ҳолда барча $x\in S(X)$ элементлари учун $V(-x)=-V(x)$ тенглиги ўринли бўлади.

$\mathcal{M}$ орқали комплекс сонлар $\mathbb{C}$ устида қаралаётган $\left(\mathcal{H},(\cdot,\cdot)_{\mathcal{H}}\right)$ Гильберт фазосида таъсир қилаётган чизиқли чегараланган операторларнинг фон Нейман алгебрасини белгилаймиз, бунда $\mathbf{1}$— фон Нейман алгебраси $\mathcal{M}$ нинг бирлик элементидир. $\mathcal{P}(\mathcal{M})$ орқали $\mathcal{M}$ даги барча $p=p^*=p^2$ проекторларни ва ҳар бир $p\in\mathcal{P}(\mathcal{M})$ учун $p^{\perp}=\mathbf{1}-p$ деб белгилаймиз. Агар $p,q\in\mathcal{P}(\mathcal{M})$ проекторлари учун шундай қисмий изометрия $v\in\mathcal{M}$ топилиб, $p=v^*v,\ q=vv^*$ шартларини қаноатлантирса, у ҳолда проекторлар эквивалент дейилади (белгилаш: $p\sim q$). Проектор $p\in\mathcal{P}(\mathcal{M})$ чекли дейилади, агар $e\le p, e\in\mathcal{P}(\mathcal{M}), e\sim p$ муносабатларидан $e=p$ тенглиги келиб чиқса. Нолдан фарқли $p\in\mathcal{P}(\mathcal{M})$ проектори минимал (ёки атом) дейилади, агар $0\ne q\le p, q\in\mathcal{P}(\mathcal{M})$ муносабатларидан $q=p$ тенглиги келиб чиқса. $\mathcal{M}$ фон Нейман алгебраси ярим-чекли дейилади, агар ихтиёрий нолдан фарқли

$p \in \mathcal{P}(\mathcal{M})$ проектори учун $e \le p$ тенгсизлигини қаноатлантирувчи нолдан фарқли чекли $e \in \mathcal{P}(\mathcal{M})$ проектори топилса. $\mathcal{M}$ фон Нейман алгебраси σ-чекли дейилади, агар $\mathcal{P}(\mathcal{M})$ тўпламга тегишли ўзаро ортогонал ихтиёрий проекторлар тўпламининг қуввати саноқли тўпламнинг қувватидан катта бўлмаса. Гильберт фазоси $\mathcal{H}$ сепарабел бўлганда, унда таъсир қилувчи ихтиёрий фон Нейман $\mathcal{M}$ алгебраси σ-чекли бўлади. $\mathcal{M}$ фон Нейман алгебраси атомик дейилади, агар ҳар қандай нолдан фарқли $p \in \mathcal{P}(\mathcal{M})$ проектор учун $e \le p$ тенгсизлигини қаноатлантирувчи минимал проектор топилса. $\mathcal{H}$ Гильберт фазосида таъсир қилаётган барча чегараланган чизиқли операторлар алгебраси $\mathcal{B}(\mathcal{H})$ атомик фон Нейман алгебрасига мисол бўлади. $\mathcal{B}(\mathcal{H})$ да одатдагидек $\|x\|_\infty = \sup\limits_{\xi \in \mathcal{H}: \|\xi\|_{\mathcal{H}} \le 1} \|x(\xi)\|_{\mathcal{H}}$ формула ёрдамида аниқланувчи оператор нормаси қаралади. Фараз қилайлик нолдан фарқли комплекс Гильберт фазолари кетма-кетлиги $(\mathcal{H}_n, (\cdot,\cdot)_{\mathcal{H}_n}), n = 1, 2 \ldots \alpha, \alpha < \infty,$ (ёки $\alpha = \infty$) берилган бўлиб, $\mathcal{H} = \bigoplus_{n=1}^{\alpha} \mathcal{H}_n = \{\{\xi_n\}_{n=1}^{\alpha} : \xi_n \in \mathcal{H}_n, \sum\limits_{n=1}^{\alpha} \|\xi_n\|_{\mathcal{H}_n}^2 < \infty\}$ бўлсин. Координатавий аниқланган алгебраик амаллар ва $(\{\xi_n\}, \{\eta_n\})_{\mathcal{H}} = \sum\limits_{n=1}^{\alpha} (\xi_n, \eta_n)_{\mathcal{H}_n}$ каби аниқланган скаляр кўпайтмага нисбатан $\mathcal{H}$ тўплами комплекс Гильберт фазоси бўлади. Бунда $\mathcal{H}$ фақат ва фақат ҳар бир $\mathcal{H}_n$ ($n = 1, 2 \ldots \alpha$) сепарабел бўлгандагина сепарабел бўлади. $\bigoplus_{n=1}^{\alpha} \mathcal{B}(\mathcal{H}_n) = \{\{x_n\}_{n=1}^{\alpha} : x_n \in \mathcal{B}(\mathcal{H}_n), \sup\limits_{n \ge 1} \|x_n\|_\infty < \infty\}$ бўлсин. Координатавий аниқланган алгебраик амалларга нисбатан $\bigoplus_{n=1}^{\alpha} \mathcal{B}(\mathcal{H}_n)$ тўплами $\mathcal{B}(\bigoplus_{n=1}^{\alpha} \mathcal{H}_n)$ фон Нейман алгебрасининг атомик фон Нейман қисм-алгебраси бўлади. Бунда $\bigoplus_{n=1}^{\alpha} \mathcal{B}(\mathcal{H}_n)$ фон Нейман алгебраси ҳар бир $\mathcal{H}_n$ ($n = 1, 2 \ldots \alpha$) сепарабел бўлганда ва фақат шу ҳолда σ-чекли бўлади.

Ярим-чекли $\mathcal{M}$ фон Нейман алгебрасида τ аниқ нормал ярим-чекли из берилган бўлсин. Гильберт фазоси $\mathcal{H}$ да таъсир қилувчи ёпиқ ва зич аниқланган x оператори $\mathcal{M}$ фон Нейман алгебрасига бириктирилган дейилади, агар коммутант $\mathcal{M}' = \{y \in \mathcal{B}(\mathcal{H}) : xy = yx \ \forall \ x \in \mathcal{M}\}$ даги барча унитар u операторлари учун $ux \subseteq xu$ муносабати ўринли бўлса. $\mathcal{M}$ фон Нейман алгебрасига бириктирилган x оператори $\tau-$ўлчовли дейилади, агар шундай $\lambda > 0$ топилиб, $\tau(e_\lambda(x)^\perp) < \infty$ тенгсизлиги бажарилса, бу ерда $\{e_\lambda(x)\}_{\lambda \ge 0}$ бу $|x| = (x^* x)^{\frac{1}{2}}$ операторининг спектрал проекторлари оиласи. $S(\mathcal{M}, \tau)$ орқали барча $\tau-$ўлчовли операторлар ташкил қиладиган *-алгебрани белгилаймиз. Маълумки, $\mathcal{M}$ алгебраси $S(\mathcal{M}, \tau)$ нинг *-қисм-алгебраси бўлади ва $\mathcal{M} = \mathcal{B}(\mathcal{H}), \tau = tr$ бўлганда $S(\mathcal{B}(\mathcal{H}), tr) = \mathcal{B}(\mathcal{H})$ тенглиги ўринли бўлади. Атомик фон Нейман алгебраси $\mathcal{M} = \bigoplus_{n=1}^{\infty} \mathcal{B}(\mathcal{H}_n)$ кўринишида ва $\tau(\{x_n\}_{n=1}^{\infty}) = \sum\limits_{n=1}^{\infty} tr(x_n)$ бўлса, $S(\mathcal{M}, \tau)$ алгебраси координатавий аниқланган алгебраик амалларга нисбатан ҳосил бўлган $\prod_{n=1}^{\infty}\mathcal{B}(\mathcal{H}_n)=\{\{x_n\}_{n=1}^{\infty}: x_n\in\mathcal{B}(\mathcal{H}_n)\}$ алгебраси билан устма-уст тушади ва бу ҳолда $S(\mathcal{M},\tau)\neq\mathcal{M}$ муносабати ўринли бўлади.

$x\in S(\mathcal{M},\tau)$ элементи учун $\mu_t(x)=\inf\{\lambda>0:\tau(e_\lambda(x)^{\perp})\le t\}, t>0$ формуласи ёрдамида x операторининг камаймайдиган $\mu_t(x)$ ўринлаштириши аниқланади. Банах $\|\cdot\|_E$ нормаси аниқланган нолдан фарқли $E\subset S(\mathcal{M},\tau)$ чизиқли қисм фазоси $\mathcal{M}$ да симметрик фазо дейилади, агар барча $t>0$ учун $x\in E, y\in S(\mathcal{M},\tau), \mu_t(y)\le\mu_t(x)$ муносабатларидан $y\in E$ ва $\|y\|_E\le\|x\|_E$ тенгсизликни ўринли бўлиши келиб чиқса. $\mathcal{M}$ даги симметрик фазо E атомик дейилади, агар $\mathcal{M}$ атомик фон Нейман алгебраси бўлса.

Фараз қилайлик $\mathcal{H}$ сепарабел комплекс Гильберт фазоси бўлсин. Агар $(E,\|\cdot\|_E)\subset c_0$ симметрик кетма-кетликлар фазоси бўлса, у ҳолда $\mathcal{C}_E:=\{x\in\mathcal{K}(\mathcal{H}):\{s_n(x)\}_{n=1}^{\infty}\in E\}$ тўплами $\mathcal{B}(\mathcal{H})$ нинг икки томонлама идеали бўлади, бу ерда $\{s_n(x)\}_{n=1}^{\infty}$ бу x операторининг сингуляр сонлари кетма-кетлигидир (яъни $(x^*x)^{\frac{1}{2}}$ операторининг ўсмайдиган тартибда жойлашган ҳос сонларидир). Бундан ташқари $\|x\|_{\mathcal{C}_E}=\|\{s_n(x)\}_{n=1}^{\infty}\|_E$ формуласи ёрдамида аниқланган нормага нисбатан $(\mathcal{C}_E,\|\cdot\|_{\mathcal{C}_E})$ Банах фазоси бўлади ва $\|\cdot\|_{\mathcal{C}_E}$ нормаси қуйидаги хоссаларга эга:

1) Барча $x,y\in\mathcal{B}(\mathcal{H})$ ва $z\in\mathcal{C}_E$ учун $\|xzy\|_{\mathcal{C}_E}\le\|x\|_\infty\|y\|_\infty\|z\|_{\mathcal{C}_E}$;

2) $\|x\|_{\mathcal{C}_E}=\|x\|_\infty$, агар $x\in\mathcal{C}_E$ операторининг ўлчами 1 га тенг бўлса.

Бунда Банах фазоси $(\mathcal{C}_E,\|\cdot\|_{\mathcal{C}_E})$ Банах симметрик идеали дейилади. 1981-йилда Сурур сепарабел Банах симметрик идеалларида таъсир қилаётган сюръектив чизиқли изометрияларнинг аниқ кўринишини топди.

Теорема 5. $(\mathcal{C}_E,\|\cdot\|_{\mathcal{C}_E})$ сепарабел Банах симметрик идеали бўлиб ($\mathcal{C}_2$ дан фарқли), V акслантириш $\mathcal{C}_E$ фазосида чизиқли сюръектив изометрия бўлсин. У ҳолда $\mathcal{H}$ да таъсир қилувчи шундай унитар u ва v операторлари топиладики, бунда барча $x\in\mathcal{C}_E$ учун $V(x)=uxv$ ёки барча $x\in\mathcal{C}_E$ учун $V(x)=ux^tv$ тенглиги ўринли бўлади, бу ерда x^t бу x операторининг транспонирлангани.

X комплекс майдон устидаги ихтиёрий Банах фазоси бўлсин. Сюръектив (чизиқли бўлиши шарт эмас) $V:X\to X$ акслантириши 2-локал сюръектив изометрия дейилади, агар барча $x,y\in X$ учун $V(x)=V_{x,y}(x)$ ва $V(y)=V_{x,y}(y)$ тенгликларини қаноатлантирадиган сюръектив чизиқли изометрия $V_{x,y}:X\to X$ топилса. Равшанки Xдаги ҳар қандай сюръектив чизиқли изометрия 2-локал сюръектив изометрия бўлади.

Диссертациянинг **«Тингли теоремаси ва Банах фазоларида шар топологияси»** деб номланувчи иккинчи бобида нормалланган фазолар учун

(P) хосса тушунчаси киритилган. Тингли теоремаси (P) хоссага эга фазолар учун исбот қилинган. Комплекс Банах фазоларида шар топологиясининг асосий хоссалари ўрнатилган. Банах панжараларида камаяйиб нолга яқинлашувчи кетма-кетликларнинг шар топологиясига нисбатан лимити ягона эканлиги исбот қилинган.

$(X,\|\cdot\|)$ ҳақиқий нормалланган фазо бўлсин. X фазо (P) хоссага эга дейилади, агар $\|p+q\|=2$ шартини қаноатлантирувчи ихтиёрий $p,q\in S(X)=\{x\in X:\|x\|=1\}$ элементлари учун қуйидаги (i) ва (ii) шартларини бажарилишидан $p=q$ тенглиги келиб чиқса:

(i) Ихтиёрий $x\in S(X)$ учун $\|x+y\|=2$ ва $\|p-x\|=\|q-y\|$ тенгликларини қаноатлантирувчи $y\in S(X)$ элементи мавжуд.

(ii) Ихтиёрий $y\in S(X)$ учун $\|y+x\|=2$ ва $\|q-y\|=\|p-x\|$ тенгликларини қаноатлантирувчи $x\in S(X)$ элементи мавжуд.

Теорема 6. Нормалланган $(X,\|\cdot\|)$ фазоси (P) хоссага эга бўлсин. Агар $V:S(X)\to S(X)$ биектив изометрия бўлса, у ҳолда барча $x\in S(X)$ учун $V(-x)=-V(x)$ тенглик ўринли бўлади.

Натижа 1. $(C[a,b],\|\cdot\|)$ бу $[\mathrm{a},\mathrm{b}]$ сегментда аниқланган барча узлуксиз функциялар фазоси бўлсин, бунда $\|f\|=\sup\limits_{t\in[a,b]}|f(t)|$. Агар $V:S(C[a,b])\to S(C[a,b])$ биектив изометрия бўлса, у ҳолда барча $f\in S(C[a,b])$ учун $V(-f)=-V(f)$ тенглик ўринли бўлади, бу ерда $S(C[a,b])=\{f\in C[a,b]:\|f\|=1\}$.

$(X,\|\cdot\|_X)$ Банах фазоси $\mathbb{C}$ майдон устида берилган бўлсин. Маркази x нуқтада ва радиуси r га тенг бўлган $(X,\|\cdot\|_X)$ даги шарни $B(x,r)=\{y\in X:\|x-y\|_X\le r\}$ орқали белгилаймиз. X да шар топологияси b_X ни қуйидагича аниқлаймиз. Ҳар бир $x_0\in X$ нуқта учун $X\diagdown\bigcup\limits_{i=1}^{n}B(x_i,r_i)$ кўринишидаги тўпламларни b_X топологоясига нисбатан x_0 нуқтанинг атрофи деб эълон қиламиз, бу ерда барча $i=1,2,\dots n$, $n\in\mathbb{N}$ учун $\|x_i-x_0\|>r_i$ тенглиги ўринли. Шундай қилиб b_X топологияси учун $V_{x,\epsilon}=X\diagdown B(x,\epsilon)$ кўринишидаги тўпламлар предбаза бўлади, бу ерда $x\in X$ ва $\epsilon>0$. Равшанки b_X шар топологияси ҳар қандай ёпиқ шар $B(x,r)$ ёпиқ тўплам бўлган X даги τ топологиядан кучсиз. b_X топологияси X да Хаусдорфф топология бўлмайди.

Тасдиқ 1. Кетма-кетлик учун $x_n\xrightarrow{b_X}x_0$ муносабати фақат ва фақат барча $y\in X$ учун $\liminf\limits_{n\to\infty}\|x_n-y\|\ge\|x_0-y\|$ тенгсизлиги ўринли бўлганда бажарилади.

Теорема 7. X Банах фазоси, $Y\subset X^*$ тотал нормани тикловчи қисм фазо ва $x_n\xrightarrow{\sigma(X,Y)}0$ бўлсин. Фараз қилайлик ихтиёрий $f\in X^*$ учун $\lim\limits_{n\to\infty}f(x_n)\in\mathbb{C}$

мавжуд. У ҳолда $x_n \xrightarrow{b_X} 0$. Бундан ташқари агар $x_n \xrightarrow{b_X} x_0 \in X$ бўлса, у ҳолда $x_0 = 0$ тенглиги ўринли бўлади.

Теорема 8. X Банах панжараси, $x_n \in X$ ва $x_n \downarrow 0$ бўлсин. У ҳолда $\{x_n\}_{n=1}^{\infty}$ кетма-кетлиги b_X топологиясига нисбатан фақат ягона лимит нуқтага эга бўлиши мумкин.

Диссертациянинг « **Атомик симметрик фазоларининг изометрияси** » деб номланувчи учинчи бобида ассоцирланган симметрик кетма-кетликлар фазоси, ассоцирланган симметрик идеаллар, Фату хоссасига эга симметрик кетма-кетликлар фазоси ва мукаммал симметрик Банах идеаллари тушунчалари тушунчалари берилган. Мукаммал симметрик кетма-кетликлар E фазосида таъсир қилаётган эрмит ва сюъректив чизиқли изометрик операторларининг аниқ кўриниши топилган. E фазосининг ҳар қандай 2-локал сюръектив изометрияси чизиқли изометрия бўлиши исбот қилинган. $\sigma(\mathcal{C}_E, \mathcal{C}_E^{\times})$ топологияси аниқланиб, $\mathcal{C}_E^{*}$ га тегишли f функционал учун $\sigma(\mathcal{C}_E, \mathcal{C}_E^{\times})$ топологиясига нисбатан узлуксиз бўлишлилик мезони берилган. Мукаммал симметрик Банах идеали $\mathcal{C}_E$ да $\mathcal{F}(\mathcal{H})$ қисм фазосини $\sigma(\mathcal{C}_E, \mathcal{C}_E^{\times})$ топологиясига нисбатан зич эканлиги, ҳамда $b_{\mathcal{C}_E}$ шар топологияси $\sigma(\mathcal{C}_E, \mathcal{C}_E^{\times})$ топологиясидан кучизроқ эканлиги исбот қилинган. $\mathcal{C}_E$мукаммал симметрик Банах идеалида таъсир қилувчи эрмит ва сюръектив чизиқли изометрик операторларининг аниқ кўриниши топилган. $\mathcal{C}_E$ фазосининг ҳар қандай 2-локал сюръектив изометриялари чизиқли сюръектив изометрия бўлиши исботланган.

Фараз қилайлик E ихтиёрий симметрик кетма-кетликлар фазоси $E(\mathbb{R}) = E \cap \ell_\infty(\mathbb{R})$ ва $x = \{\xi_k\}_{k=1}^{\infty}, x^{(n)} = \{\xi_k^{(n)}\}_{k=1}^{\infty} \in E(\mathbb{R}), n \in \mathbb{N}$ бўлсин. $x^{(n)} \downarrow x$ (мос равишда $x^{(n)} \uparrow x$) ёзуви ихтиёрий $k \in \mathbb{N}$ учун $n \to \infty$ бўлганда $\xi_k^{(n)} \uparrow \xi_k$ (мос равишда $\xi_k^{(n)} \downarrow \xi_k$) ни англатади. Симметрик фазо $(E, \|\cdot\|_E)$ Фату ҳоссасига эга дейилади, агар $0 \le x^{(n)} \le x^{(n+1)}, x^{(n)} \in E(\mathbb{R}), \sup_{n \in \mathbb{N}} \| x^{(n)} \|_E < \infty$ шартларидан $x^{(n)} \uparrow x$ ва $\| x^{(n)} \|_E \to \| x \|_E$ муносабатларини қаноатлантирувчи $x \in E(\mathbb{R})$ элементи мавжуд бшлса. $(E, \|\cdot\|_E)$ учун $E^{\times}$ орқали ассоцирланган симметрик кетма-кетликлар фазосини белгилаймиз, яъни $E^{\times} = \{ \{\eta_n\}_{n=1}^{\infty} \in \ell_\infty(\mathbb{K}) : \| \{\eta_n\} \|_{E^{\times}} = \sup_{\|\{\xi_n\}\|_E \le 1} \sum_{n=1}^{\infty} |\xi_n \overline{\eta_n}| < \infty \}$.

Ассоцирланган фазо $E^{\times}$ ёрдамида ҳосил қилинган кучсиз $\sigma(E, E^{\times})$ топологиясини қараймиз. c_{00} орқали барча финит кетма-кетликлар фазосини белгилаймиз, яъни барча шундай $x = \{\xi_n\}_{n=1}^{\infty} \in \ell_\infty(\mathbb{K})$ элементларки, қайсидир координата $k = k(x) \in \mathbb{N}$ бошлаб $\xi_k = 0$ тенглиги ўринли бўлади. Равшанки ихтиёрий симметрик кетма-кетликлар фазоси E учун $c_{00} \subset E$ муносабати ўринли бўлади.

Тасдиқ 2. Ихтиёрий симметрик кетма-кетликлар фазоси E да c_{00} фазоси $\sigma(E,E^{\times})$ топологиясига нисбатан зич бўлади.

Қуйидаги теоремада Фату ҳоссасига эга комплекс симметрик кетма-кетликлар фазоси E да таъсир қилаётган эрмит операторларини тавсифлаш масаласи ҳал қилинган.

Теорема 9. E Фату ҳоссасига эга комплекс симметрик кетма-кетликлар фазоси бўлиб, $\ell_2(\mathbb{C})$ фазосига тенг бўлмасин ва $T:E\to E$ эрмит оператори бўлсин. У ҳолда шундай $\{a_n\}_{n=1}^{\infty}\in\ell_{\infty}(\mathbb{R})$ кетма-кетлиги мавжудки, барча $\{\xi_n\}_{n=1}^{\infty}\in E$ элементлари учун $T(\{\xi_n\}_{n=1}^{\infty})=\{a_n\xi_n\}_{n=1}^{\infty}$ тенглиги ўринли бўлади.

9-теорема ёрдамида Арази теоремасини аналоги Фату ҳоссасига эга комплекс симметрик кетма-кетликлар фазосида таъсир қилаётган сюръектив изометриялар учун исботланади.

Теорема 10. E Фату ҳоссасига комплекс симметрик кетма-кетликлар фазоси бўлиб, $\ell_2(\mathbb{C})$ фазосига тенг бўлмасин ва V акслантириш E фазосида чизиқли сюръектив изометрия бўлсин. У ҳолда шундай биекция $\pi:\mathbb{N}\to\mathbb{N}$ ва шундай $\{\lambda_n\}_{n=1}^{\infty}\in\ell_{\infty}(\mathbb{C}),|\lambda_n|=1,n\in\mathbb{N}$ кетма-кетлиги мавжудки, барча $\{\xi_n\}_{n=1}^{\infty}\in E$ элементлари учун

$$V(\{\xi_n\}_{n=1}^{\infty})=\{\lambda_n\xi_{\pi(n)}\}_{n=1}^{\infty} \quad (1)$$

тенглиги ўринли бўлади.

Теорема 11. Фараз қилайлик $(E,\|\cdot\|_E)$ ҳар қандай сюръектив чизиқли изометрияси (1) кўринишида бўладиган ихтиёрий комплекс симметрик кетма-кетликлар фазоси бўлсин. У ҳолда ихтиёрий 2-локал сюръектив $T:E\to E$ изометрияси E да чизиқли изометрия бўлади.

Фараз қилайлик $(\mathcal{C}_E,\|\cdot\|_{\mathcal{C}_E})$ Банах симметрик идеали бўлсин. Кёте бўйича қўшма $\mathcal{C}_E^{\times}$ фазоси қуйидагича аниқланади: $\mathcal{C}_E^{\times}=\{x\in B(H): xy\in\mathcal{C}_1$ барча $y\in\mathcal{C}_E\}$ ва $x\in\mathcal{C}_E^{\times}$ элементлари учун $\|x\|_{\mathcal{C}_E^{\times}}=\sup\{tr(|xy|):y\in\mathcal{C}_E,\|y\|_{\mathcal{C}_E}\le 1\}$, бу ерда $tr(\cdot)$ бу $\mathcal{B}(\mathcal{H})$ даги каноник из. Банах симметрик идеали $\mathcal{C}_E$ мукаммал дейилади агар $\mathcal{C}_E=\mathcal{C}_E^{\times\times}$ тенглиги ўринли бўлса.

Теорема 12. $(\mathcal{C}_E,\|\cdot\|_{\mathcal{C}_E})$ мукаммал Банах симметрик идеали ($\mathcal{C}_2$ дан фарқли) ва $T:\mathcal{C}_E\to\mathcal{C}_E$ эрмит оператори бўлсин. У ҳолда барча $x\in\mathcal{C}_E$ учун $T(x)=ax+xb$ тенгликни қаноатлантирувчи ўз-ўзига қўшма $a,b\in\mathcal{B}(\mathcal{H})$ операторлари мавжуд.

Теорема 13. $(\mathcal{C}_E,\|\cdot\|_{\mathcal{C}_E})$ мукаммал Банах симметрик идеали бўлиб ($\mathcal{C}_2$ дан фарқли), V акслантириш $\mathcal{C}_E$ фазосида чизиқли сюръектив изометрия бўлсин. У ҳолда $\mathcal{H}$ да таъсир қилувчи шундай унитар u ва v операторлари топиладики, бунда барча $x\in\mathcal{C}_E$ учун $V(x)=uxv$ ёки барча $x\in\mathcal{C}_E$ учун $V(x)=ux^tv$ тенглиги ўринли бўлади, бу ерда x^t бу x операторининг транспонирлангани.

Теорема 14. $(\mathcal{C}_E,\|\cdot\|_{\mathcal{C}_E})$ мукаммал Банах симметрик идеали бўлиб ($\mathcal{C}_2$ дан фарқли), V акслантириш $\mathcal{C}_E$ фазосида 2-локал сюръектив изометрия бўлсин. У ҳолда V акслантириш $\mathcal{C}_E$ фазосида чизиқли изометрия бўлади.

Диссертациянинг **«Симметрик идеалларнинг ўз-ўзига қўшма ҳақиқий қисм-фазолари изометрияси»** деб номланувчи тўртинчи бобида $\mathbb{K}$ майдон устида берилган Банах фазосида таъсир қилувси косо-эрмит оператори тушунчаси келтирилган. Ушбу бобда сепарабел ва мукаммал симметрик Банах идеалларининг ўз-ўзига қўшма қисмида таъсир қилаётган косо-эрмит операторлари тавсифланган. Банах симметрик идеалининг ўз-ўзига қўшма қисми $\mathcal{C}_E^h$ да таъсир қилаётган чизиқли чегараланган T оператори учун (P) хосса тушунчаси келтирилган. Сюръектив чизиқли $V:\mathcal{C}_E^h\to\mathcal{C}_E^h$ изометрияси (P) хоссага эга эканлиги исбот қилинган. $\mathcal{C}_E^h$-максимал оператор тушунчаси киритилиб, $\mathcal{C}_E^h$-максимал бўлишлик мезони исботланган. $\mathcal{C}_2$ дан фарқли ва униформ бўлмаган нормага эга Банах симметрик идеалларининг ўз-ўзига қўшма қисмида таъсир қилувчи сюръектив чизиқли изометрияларнинг аниқ кўриниши топилган.

$\mathbb{K}$ майдон устида $(X,\|\cdot\|_X)$ Банах фазоси ва $\|\cdot\|_X$ нормага мос X да $[\cdot,\cdot]$ ички кўпайтма берилган бўлсин. Чизиқли чегараланган оператор $H:X\to X$ косо-эрмит оператори дейилади, агар барча $x\in X$ учун $Re([H(x),x])=0$ тенглиги ўринли бўлса, бу ерда $Re(\alpha)$ бу $\alpha\in\mathbb{K}$ сонининг ҳақиқий қисми. Қуйидаги теоремада $\mathcal{C}_2$ дан фарқли $\mathcal{C}_E$ Банах симметрик идеали сепарабел ёки мукаммал бўлганда, $\mathcal{C}_E^h$ да таъсир қилаётган барча косо-эрмит операторларининг тавсифи келтрилган.

Теорема 15. $(\mathcal{C}_E,\|\cdot\|_{\mathcal{C}_E})$ сепарабел ёки мукаммал Банах симметрик идеали ва $\mathcal{C}_E\neq\mathcal{C}_2$ бўлсин. У ҳолда ҳар қандай косо-эрмит оператори $H:\mathcal{C}_E^h\to\mathcal{C}_E^h$ учун барча $x\in\mathcal{C}_E^h$ да $H(x)=i(xa-ax)$ тенгликни қаноатлантирувчи $a\in\mathcal{B}(\mathcal{H})^h$ элемент мавжуд.

$\|\cdot\|_{\mathcal{C}_E}$ нормаси униформ бўлмаган норма дейилади, агар $\dim p(\mathcal{H})>1$ хоссали барча $p\in\mathcal{P}(\mathcal{H})\cap\mathcal{F}(\mathcal{H})$ учун $\|p\|_{\mathcal{C}_E}>1$ тенгсизлиги бажарилса.

Теорема 16. $(\mathcal{C}_E,\|\cdot\|_{\mathcal{C}_E})$ униформ нормага эга бўлмаган сепарабел ёки мукаммал Банах симметрик идеали ва $\mathcal{C}_E\neq\mathcal{C}_2$ бўлиб, $V:\mathcal{C}_E^h\to\mathcal{C}_E^h$ сюръектив чизиқли изометрия бўлсин. У ҳолда $\mathcal{H}$да таъсир қилувчи шундай унитар ёки анти-унитар u оператори мавжудки барча $x\in\mathcal{C}_E^h$ учун $V(x)=uxu^*$ ёки барча $x\in\mathcal{C}_E^h$ учун $V(x)=-uxu^*$ муносабати ўринли бўлади.

ХУЛОСА

Диссертация иши симметрик кетма-кетликлар фазоси ва нокоммутатив атомик симметрик фазоларда таъсир қилаётган сюръектив чизиқли изометрияларни тадқиқ қилишга бағишланган.

Тадқиқотнинг асосий натижалари қуйидагилардан иборат:

1. Комплекс Банах фазоларда шар топологиясининг асосий хоссалари тавсифланган;

2. Тингли теоремасини исбот қилишга янги усул топилган;

3. Фату хоссасига эга комплекс симметрик кетма-кетликлар фазосида таъсир қилаётган эрмит ва сюръектив чизиқли изометрик операторларининг Кёте топологиясига нисбатан узлуксиз эканлиги исбот қилинган;

4. Фату хоссасига эга комплекс симметрик кетма-кетликлар фазосида таъсир қилаётган эрмит ва сюръектив чизиқли изометрик операторларининг аниқ кўриниши топилган;

5. Мукаммал Банах симметрик идеалларида таъсир қилаётган эрмит ва сюръектив чизиқли изометрик операторларининг Кёте топологиясига нисбатан узлуксиз эканлиги исбот қилинган;

6. Мукаммал Банах симметрик идеалларида таъсир қилаётган эрмит ва сюръектив чизиқли изометрик операторларининг аниқ кўриниши топилган;

7. Мукаммал Банах симметрик идеалларидннинг ўз-ўзига қўшма қисмида таъсир қилаётган косо-эрмит ва сюръектив чизиқли изометрик операторлар тавсифланган.

НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.FM.01.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА

НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА

АМИНОВ БЕХЗОД РАСУЛ УГЛИ

ИЗОМЕТРИЯ НЕКОММУТАТИВНЫХ АТОМИЧЕСКИХ СИММЕТРИЧНЫХ ПРОСТРАНСТВ

01.01.01 – Математический анализ

АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИМ НАУКАМ

Ташкент – 2020 год

Тема диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2018.1.PhD/FM191.

Диссертация выполнена в Национальном Университете Узбекистана имени Мирзо Улугбека.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (http://ik-fizmat.nuu.uz/) и на Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (http://www.ziyonet.uz/).

Научный руководитель:	**Чилин Владимир Иванович** доктор физико-математических наук, профессор
Официальные оппоненты:	**Заитов Адилбек Атаханович** доктор физико-математических наук, старший научный сотрудник **Закиров Батыр Сабитович** доктор физико-математических наук, профессор
Ведущая организация:	Институт математики АН РУз.

Защита диссертации состоится «____» ____________ 2021 года в ____ на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.FM.01.01 при Национальном университете Узбекистана. (Адрес: 100174, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Университетская, 4. Тел.: (+998 71) 227 12 24, факс: (+998 71) 246 53 21, e-mail: nauka@nuu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрирована за №____). (Адрес: 100174, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Университетская, 4. Тел.: (+998 71) 246 02 24).

Автореферат диссертации разослан «____» ____________ 2021 года.
(протокол рассылки №____ от «____» ____________ 2021 года).

А.Садуллаев
Председатель Научного
совета по присуждению ученых
степеней, д.ф.-м.н., академик

Н.К.Мамадалиев
Ученый секретарь Научного
совета по присуждению ученых
степеней, д.ф.ф.-м.н. (PhD)

Р.Н.Ганиходжаев
Председатель научного семинара
при Научном совете по присуждению ученых
степеней, д.ф.-м.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии(PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Многие научные и практические исследования на мировом уровне, во многих случаях, сводятся к изучению изометрических преобразований различных классов банаховых пространств. Описание линейных изометрий симметричных функциональных и операторных пространствах является одной из центральных задач исследований в таких областях как теория банаховых пространств и теория алгебр неограниченных операторов. Описание изометрии симметричных пространствах служит основой для изучения геометрических и топологических свойств функциональных и некоммутативных симметричных пространств. Изометрическая классификация симметричных пространств были получены в работах таких знаменитых математиков, как С. Банах, Ж. Ламперти, Б. Руссо, Дж. Арази, А.Сурур, Е. Семенов и др. Поэтому исследования структуры изометрических операторов, действующих в различных классах симметричных пространствах актуальны для современной математики.

В настоящее время в мире одной из актуальных проблем современного функционального анализа является решение проблемы изометрической классификации коммутативных и некоммутативных симметричных пространств. Важное значение в теории банаховых пространств имеет исследование сюръективных изометрических операторов, эрмитовых операторов, косо-эрмитовых операторов и 2-локальных изометрий. В связи с этим, описание эрмитовых и сюръективных изометрических операторов, исследование топологии Кёте в совершенном атомическом симметричном пространстве, доказательства основных свойств шаровой топологии в комплексных банаховых пространствах, нахождение связи между топологией Кёте и шаровой топологией в атомическом симметричном пространстве являются целенаправленными научными исследованиями.

В нашей стране уделяется особое внимание развитию актуальных разделов функционального анализа, которые имеют научное и практическое применение в различных фундаментальных науках. Особое внимание уделяется построению теории некоммутативных симметричных пространств измеримых оператор, поскольку эта теория мотивируется задачами квантовой механики и статистической физики. Значительные результаты в нашей стране были достигнуты при описании линейных изометрий симметричных пространств последовательностей и банаховых симметричных идеалов. Проведение научных исследований на международном уровне по важным направлениям специальности «Алгебра и функциональный анализ» рассматривается как основная задача фундаментальных исследований[2]. Развитие общей теории изометрий

[2] Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 18 мая 2017 года №292 «О мерах по организации деятельности вновь созданных научно-исследовательских учреждений Академии наук Республики Узбекистан».

коммутативных и некоммутативных симметричных пространств играет важную роль при исполнении этого постановления.

